

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Кун тартиби

МАҚСАДИМИЗ — аҳоли осойишталигини таъминлаш

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарориди шаҳар-туман ҳокимлари ҳар ойда профилактика инспекторлари билан шахсан учрашиб, ҳудудларда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммоларни масалаларни ҳал қилиш чораларини кўриши белгилаб қўйилган.

Қўшқар тўғрисида мазкур қарор ижросини таъминлаш ҳамда вилоят ҳудудида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда юзага келадиган муаммоларни масалаларга ечим топиш мақсадида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаевнинг профилактика инспекторлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Очиқ мулоқот тарзида кечган учрашувда вилоят сектор раҳбарлари ва вилоят ИИББ 1-минтақавий ҳудуднинг 300 нафарга яқин профилактика инспекторлари ҳамда бир гуруҳ меҳмонлар иштирок этди.

Тадбирни вилоят ҳокими Зойир Мирзаев очиб, ҳудудларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга барча, хусусан, ҳоким ҳам бирдек масъул эканини таъкидлади.

Ийгилиш аввалида хизмат вазифасини виждонан бажариб, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишда жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ профилактика инспекторлари ва уларнинг ота-оналари тақдирланди.

Тадбирнинг асосий қисми очиб мулоқот — савол-жавоб тарзида ўтказилиб, инспекторлар ўзлари хизмат қилаётган ҳудудларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда юзага келадиган муаммо ва уларга ечим сифатидаги тақлифлар билан мурожаат қилишди.

Вилоят ҳокими кўтарилган масалалар ҳақиқатда ўринли эканини қайд этиб, улар юзасидан тегишли мутасаддиларга шу ернинг ўзида, айримларини эса ишчи гуруҳ томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва ижобий ечим топиш бўйича кўрсатма берди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят прокурори Сирожиддин Эшқувватов профилактика хизмати томонидан йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларга тўхталиб, аҳоли осойишталиги йўлида қонун доирасидаги ҳуқуқий ва амалий ёрдамга тайёр эканини маълум қилди.

Шунингдек, вилоят ИИББ бошлиғи, генерал-майор Тоҳир Арипов вилоят ҳудудида аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда барча куч ва воситалар жалб қилиниши, бу борада ходимлар янада шижоатли ва ғайратли бўлишига ишонч билдирди.

Тадбир сўнггида кун тартибидagi масалалар юзасидан билдирилган мурожаат ва тақлифлардан ҳулоса қилиниб, бу каби учрашувларни шаҳар-туман кесимида ўтказиш, вилоят кесимида ҳар чорада “энг яхши профилактика инспекторлари”ни аниқлаш орқали рағбатлантиришни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мустақиллик иншоотлари



Ҳарбийларга хизмат уйлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 32 йиллиги байрами арафасида Бекобод туманида ҳам қатор қурилиш объектлари фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, “Деҳқонобод” маҳалласида туман ҳокими Ш. Мирзаев ва сектор раҳбарлари 30 нафар ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига замонавий,

барча шароитларга эга хонадонларнинг қалитларини топширди.

Шунингдек, ҳарбий қисм маъмурий биносининг очилиши маросими ҳам бўлиб ўтди. Эндиликда, ҳарбийлар хизмати янги ва қулай бинода олиб боришади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Пахта селекцияси: ИЗЛАНИШ, ТАЖРИБА, САМАРА

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган пахтачиликнинг ўрни бекиёс. Соҳа ривожининг истиқболи кўп жиҳатдан ғўза генетикаси, селекцияси ва уруғчилигида эришилган фан ютуқларига боғлиқ. Бу борада Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Миллий маркази тизимидаги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти мамлакатимиздаги энг кекса ва нуфузли илмий муассаса ҳисобланади.

Долзарб мавзу

Институт, дастлаб, 1922 йилда машҳур генетик ва селекционер олим Г. С. Зайцев томонидан Тошкент яқинидаги Яланғоч қишлоғида (ҳозирги Қўшқар тумани) ташкил этилган. Ўша пайтда станция Ўрта Осиёда ғўза ҳамда бошқа экинлар уруғчилиги ва уруғшунлигини ривожлантиришда асосий тармоқ ҳисобланган. Анча вақт турли номлар билан фаолият юритган институт Президент қарори билан 2014 йилдан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти сифатида қайта ташкил этилди.



Вилоят бўйлаб

НУРАФШОН шаҳар ҳокимлиги томонидан 31 нафар “Аёллар дафтери” ва 3 нафар “Темир дафтар”да турувчи оилалар фарзандлари учун ёғи соғломлаштириш оромгоҳларига жорий йилги сўнгги йўлланмалар берилди. Қуни кеча болалар Бўстонлик туманидаги “Геолог” ва “Афсона” лагерларига кузатилди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ туманидаги 57 та маҳаллада ҳоким ёрдамчилари учун “Камбағалликни қисқартириш бўйича Хитой тажрибаси” мавзусига бағишланган онлайн семинар бўлиб ўтди. Унда қишлоқ ҳудудларида бандликни таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш, боғдорчилик, чорвачилик ва хунармандчиликни ривожлантириш масалаларига тўхталинди.

БЎКА тумани 3-сектор раҳбари ташаббуси билан тумандаги ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида Олмалик кон-металлургия қўшма корхонаси МОН-3 “Enter Engineering” корхонасида ишлаш истагини билдирган фуқаролар билан суҳбат ўтказилди.

ЧИНОЗ туманидаги 17-, 26-, 28-сонли мактабларга 3 тўплам компьютер жамланмаси келтирилиб, ўрнатилди. Компьютерлар Мактабга ва мактаб таълими вазирлиги томонидан юборилди.

ОПМАЛИҚ шаҳрида фаолият юритаётган Бошқарув сервис компанияларининг иш фаолиятини мувофиқлаштириб, назорат қилиш мақсадида 12 та БСҚ раҳбарлари билан йиғилиш ўтказилди.

Унда ободонлаштириш, кўп қаватли уйларнинг иситиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ҳамда “биллинг” тизими бўйича муаммолар таҳлил қилинди.


ЯНГИЙЎЛ тумани ҳокими О. Атауллаев туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб, муассасада қўшма соҳага дахлдор хизматларнинг иш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича зарур чоралар кўриланлигини кўздан кечириб. Муаммо ва камчиликлари юзасидан тегишли раҳбарларга топшириқлар берди.



Пахта селекцияси, уруғчи-
yetiştirish agroteknolog
ilmiy-tadqiqot instituti




GO`ZAL OTEXNOLOGI
LABORATORIYA



РАҒБАТ — ЯНГИ КУЧ!

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан айрим соҳа ходимлари билан очиб мулоқотлар ўтказиш анъанага айланди. Жорий йил 18 август кuni тадбиркорлар билан бўлиб ўтган навбатдаги очиб мулоқот ҳам мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, бу йўналишда ўзини илк бор синаб кўрмоқчи бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тақлиф ва ташаббусларга бой бўлганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Нишондорларимиз



Давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлардан келиб тушган мурожаат ва тақлифлар ечим юзасидан 2021 йил 57 та, 2022 йил эса 55 та ташаббус илгари сурилган эди. Ушбу тақлифларнинг барчаси қисқа фурсатларда ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, ўтган йилги

тақлифлар асосида бизнес субъектлари микро, кичик, ўрта ва йирик тоифаларга бўлинди. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида ёндашувлар асосида ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Очиқ мулоқот аввалида бир қатор тадбиркорларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Хусу-

сан, вилоятимиздаги 4 нафар тадбиркор давлат мукофоти, 9 нафари эса “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Улар орасида Қўшқар туманидаги “Kanishka Fur” корхонаси раҳбари Алексей Маншаев ҳам бор. Унга давлат мукофоти — “Дўстлик” орденини Президентимизнинг ўзи топширди.

Президент ташрифидан сўнг

Ангренда янги корхона иш бошлади


Президентимизнинг Тошкент вилоятига ташрифи чоғида “Ангрен” эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишиб, янги лойиҳаларни шакллантириш, аҳоли бандлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

2012 йилда ташкил этилган мазкур иқтисодий зонада ҳозир 76 та корхона бўлиб, уларда 11 мингдан зиёд аҳоли ишламоқда. Берилган вазифалар ижроси доирасида яна бир корхона фойдаланишга топширилди. Лойиҳа бўйича “Eden-pure production group” МЧЖ асосан ичимлик суви ҳамда оқова тармоқларида кенг фойдаланиладиган қувурлар тайёрлашга ихтисослашган. Корхонада ойига қиймати 7 миллиард сўм миқдорида жами 72 метр полиэтилен, полипропилен

қувурлар ишлаб чиқарилади. Жами 50 та янги иш ўрни яратилган корхонада Ангрен шаҳри ва Оҳангарон туманидаги “Ёшлар дафтери”га қиритилганларнинг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, мазкур саноат зонасида яна 42 та лойиҳа бўйича ишлар бошланган. Уларда 5 мингдан зиёд иш ўрни очилади.

Абдулазиз МУСАЕВ



Пахта селекцияси: ИЗЛАНИШ, ТАЖРИБА, САМАРА



Бугунги кунда институт кошда "Ўза коллекцияси ва интродукцияси", "Ўза генетикаси ва цитологияси", "Ўсимликлар биохимияси ва физиологияси", "Иммунология ва сунъий иқлим", "Биотехнология ва фитопатология баҳолаш", "Тола технологияси", янги навларни синаш ва уруғларини дастлабки кўпайтириш лабораториялари фаолияти йўлга қўйилган. Уларда муҳим белгиларга эга донор шакллари яратилиб, бошлангич ашё ва селекцион тизмалар генетик баҳолашда ҳамда янги навлар уруғлари кўпайтирилмоқда. Муассасада 117 нафар илмий ходим, шу жумладан, 23 нафар фан доктори, 17 нафар фан номзоди ва 30 нафар фалсафа докторларидан иборат 327 та илмий-техник ходим фаолият кўрсатмоқда.

Жамоамиз томонидан республикамизнинг турли хил тупроқ ва иқлим шaroитларига мос янги ўза навларини яратиш, истиқболли навларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, — дейди институтнинг илмий ва инновацион ишланмалар бўйича директор ўринбосари Шодмон Намозов. — Бугунги кунгача институтнинг илмий-тажриба станцияларида ўзанинг 442 нави яратилган, улардан 101 та ўрта толали ва 49 та ингичка толали навлар ишлаб чиқаришга жорий этилган. Айни пайтда республикадаги фермер хўжаликларида институтда яратилган 23 та ўза навлари умумий пахта майдонининг 95 фоизи, яъни (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

910 минг гектардан ортиқ ерда экилган. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикамиз пахтачилигида фақат маҳаллий селекция навлари етиштирилмоқда.

Институтни айланар эканмиз, селекция жараёнини тезлаштириш, ташқи муҳитда ўза навлари хусусиятларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган "Фитотрон" иссиқхона комплекси эътиборимизни тортиди. У ерда кўп йиллик пахта дарахтларини кўрдик. Ҳа, тўғри эшитдингиз, айнан пахта дарахти. Мутахассисларнинг айтишларича, фитотрондаги пахталарнинг кўли ёввойи турга мансуб бўлиб, мутацияга учрамаган ва генида асл хусусиятларни сақлаб қолгани сабабли илмий изланишларда фойдаланиш мақсадида парваришлаб келинмоқда.

Шунингдек, умумий майдони 2,15 гектарни ташкил этувчи иссиқхонада кўнғир ва яшил рангли пахта навлари ҳам бор экан.

Мустақиллик йилларида институт олимлари томонидан ўзанинг ўрта ва ингичка толали 250 дан ортиқ нави яратилди. Улардан 41 таси Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган. Ҳозирги кунда институтда 19 та лаборатория ва 2 та ноёб объект мавжуд.

Бундан ташқари, институтда хо-



рижий тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этишни кенгайтириш мақсадида пахтачилиқда етакчи ўринда турадиган Хитой давлати билан биргалиқда биотехнология лабораторияси ташкил этилган. Фаолиятини 2021 йилда бошлаган мазкур Ўзбекистон-Хитой қўшма лабораториясида

молекуляр генетика, физиология, фитопатологиянинг замонавий услубларидан фойдаланиб, тадқиқотлар олиб борилади. Аҳамиятлиси, бу ерда ёш олимлар изланишлари учун барча шароитлар яратилган.

Шунингдек, "Ўза коллекцияси ва интродукцияси" лабораторияси ҳам муҳим аҳамиятга эга объектлардан бири бўлиб, унда 50 дан ортиқ пахта тури ва навининг 12 минг 800 та намунаси сақланади. Энг биринчи уруғ — 1922 йилда қўйилган. Шундан бери пахта чигитлари ҳар ўн йилда янгиланади.



молекуляр генетика, физиология, фитопатологиянинг замонавий услубларидан фойдаланиб, тадқиқотлар олиб борилади. Аҳамиятлиси, бу ерда ёш олимлар изланишлари учун барча шароитлар яратилган.

Шунингдек, "Ўза коллекцияси ва интродукцияси" лабораторияси ҳам муҳим аҳамиятга эга объектлардан бири бўлиб, унда 50 дан ортиқ пахта тури ва навининг 12 минг 800 та намунаси сақланади. Энг биринчи уруғ — 1922 йилда қўйилган. Шундан бери пахта чигитлари ҳар ўн йилда янгиланади.

Қисқа қилиб айтганда, бу ер том маънода институт хазинаси ҳисобланади.

Дарвоқе, ҳозирда институт олимлари томонидан органик деҳқончилик бўйича жадаллик билан изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, республикамизнинг Наманган, Бухоро ва Сирдарё вилоятларидаги агрокластерлар майдонида органик пахта етиштириш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган.

— Органик пахта етиштиришнинг ўзига хос талаблари бор, — дейди профессор Дилбар Рашидова. — Сабаби, бунда чигит парвариши жараёнида кимёвий ва синтетик ўғитлардан фойдаланиш, ҳашарот ва касалликларга қарши кимёвий усулларни қўллаш таққиланади. Ҳамма жараён табиий бўлиши керак.

Маълумот учун, илк бор органик пахта вилоятимизнинг Чиноз туманида етиштирилган бўлиб, 217 гектардаги пахта парвариши учун кимёвий ва минерал ўғитлар ўрнига биомаҳсулотлар ишлатилди.

Натижа аъло даражада бўлиб, гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди. Айни пайтда вилоятнинг 1 минг 24 гектар майдонида органик пахта етиштирилмоқда.

Эътиборлиси, муассасада Россия,

Тожикистон, Туркменистон, Қозғистон, Озарбайжоннинг илмий-тадқиқот институтлари билан яқин алоқалар ўрнатилган бўлиб, кадрлар тайёрлаш, ахборот ва уруғлик материаллари алмашиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, Хитой, Покистон, Греция, Туркия давлатларининг илмий-тадқиқот марказлари ва олимлари билан амалий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган. Бу эса соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Тахририятдан: институтга сафаримиз чоғида пахтачилиқда замонавий суви тежовчи технологиялардан фойдаланиш, шунингдек, тажриба далаларида етиштирилаётган ноёб ўсимлик билан ҳам танишдик. Булар кейинги мақоламиз учун мавзу бўлади.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

РАҒБАТ — ЯНГИ КУЧ!



Эсингизда бўлса, жамоамизнинг жорий йил 23 апрелдаги 26-сонида "Табиий хом ашёдан табиий маҳсулотлар" сарлавҳали мақоламизда мазкур корхона ҳақида батафсил ёзган эдик.

Очик мулоқотда сўз олган корхона раҳбари Алексей Маншаев тадбиркорларга яратилаётган шароитлар учун Президентимизга миннатдорчилик билдирди. Эътиборлиси, у минбарда соф ўзбек тилида гапирди.

— Ассалому алайкум, мен "Kanishka Fur" корхонаси раҳбариман, — деди А. Маншаев. — Корхонамизда 150 дан ортиқ одам ишлайди.

Биз табиий чармдан турли либос ва аксессуарлар ишлаб чиқарамиз. Ҳозирги кунда юздан ортиқ турдаги маҳсулотларни бозорга чиқаряпмиз. Мен корхонада одамлар эркин, маза қилиб ишлашлари учун зарур қўлайлик ва шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиламан. Аслида 28 йилдан бери шу соҳада ишлайман. Тан олиш керак, охириги йиллар ишлаш анча осонлашди. Бунинг учун Сизга раҳмат. Текширувлар қамайди, конвертация очилди, эркин ишляпмиз. Шу сабабли, қисқа фурсатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ишчилар сони икки баробар кўпайди. Ўзим дизайнерман. Шиоримиз — арзон хом ашёдан қimmat маҳсулот ишлаб чиқариш. Мақсадимиз — Ўзбекистон брендини дунёга танитиш. Мукофот учун алоҳида раҳмат. Бу фақат менга эмас, бутун корхонамиз ишчиларига берилган мукофот. Бундай катта ишонч ва рағбатдан руҳланиб, янада сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, экспорт ҳажмини оширишга ваъда бераман.

Тахририятимиз номидан ҳам корхона раҳбари Алексей Маншаев ва ишчи ходимлари мукофот билан табриқлаймиз. Ва, албатта, келгусида бу корхона ютуқлари ҳақида яна мақолалар тайёрлаймиз.

Ўз мухбиримиз



тиқ одам ишлайди. Биз табиий чармдан турли либос ва аксессуарлар ишлаб чиқарамиз. Ҳозирги кунда юздан ортиқ турдаги маҳсулотларни бозорга чиқаряпмиз. Мен корхонада одамлар эркин, маза қилиб ишлашлари учун зарур қўлайлик ва шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиламан. Аслида 28 йилдан бери шу соҳада ишлайман. Тан олиш керак, охириги йиллар ишлаш анча осонлашди. Бунинг учун Сизга раҳмат. Текширувлар қамайди, конвертация очилди, эркин ишляпмиз. Шу сабабли, қисқа фурсатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ишчилар сони икки баробар кўпайди. Ўзим дизайнерман. Шиоримиз — арзон хом ашёдан қimmat маҳсулот ишлаб чиқариш. Мақсадимиз — Ўзбекистон брендини дунёга танитиш. Мукофот учун алоҳида раҳмат. Бу фақат менга эмас, бутун корхонамиз ишчиларига берилган мукофот. Бундай катта ишонч ва рағбатдан руҳланиб, янада сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, экспорт ҳажмини оширишга ваъда бераман.

Тахририятимиз номидан ҳам корхона раҳбари Алексей Маншаев ва ишчи ходимлари мукофот билан табриқлаймиз. Ва, албатта, келгусида бу корхона ютуқлари ҳақида яна мақолалар тайёрлаймиз.

Ўз мухбиримиз



тиқ одам ишлайди. Биз табиий чармдан турли либос ва аксессуарлар ишлаб чиқарамиз. Ҳозирги кунда юздан ортиқ турдаги маҳсулотларни бозорга чиқаряпмиз. Мен корхонада одамлар эркин, маза қилиб ишлашлари учун зарур қўлайлик ва шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиламан. Аслида 28 йилдан бери шу соҳада ишлайман. Тан олиш керак, охириги йиллар ишлаш анча осонлашди. Бунинг учун Сизга раҳмат. Текширувлар қамайди, конвертация очилди, эркин ишляпмиз. Шу сабабли, қисқа фурсатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ишчилар сони икки баробар кўпайди. Ўзим дизайнерман. Шиоримиз — арзон хом ашёдан қimmat маҳсулот ишлаб чиқариш. Мақсадимиз — Ўзбекистон брендини дунёга танитиш. Мукофот учун алоҳида раҳмат. Бу фақат менга эмас, бутун корхонамиз ишчиларига берилган мукофот. Бундай катта ишонч ва рағбатдан руҳланиб, янада сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, экспорт ҳажмини оширишга ваъда бераман.

Тахририятимиз номидан ҳам корхона раҳбари Алексей Маншаев ва ишчи ходимлари мукофот билан табриқлаймиз. Ва, албатта, келгусида бу корхона ютуқлари ҳақида яна мақолалар тайёрлаймиз.

Ўз мухбиримиз



■ Интилиш

ПИСКЕНТЛИК ЧЕВАР



Президентимизнинг ҳар бир илоҳоти замирида, аввало, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб шароит яратиш, муаммоларини ҳал этиш ғояси мужассам. Яратилган имкониятлардан қишлоғу шаҳар аёллари бирдек баҳраманд бўлишлари лозимлиги кўп бора ўқтирилмоқда. Бу борада жойларда юритилаётган "Аёллар дафтари" яхши самара бермоқда.

Пискент туманининг "Мингтепа" маҳалласида истиқомат қилувчи Комила Тошева ҳам "Аёллар дафтари"дан чиққан ёш тадбиркорлардан.

— Ўтган йили маҳалла ёрдами билан имтиёзли кредит маблағини расмийлаштириб, замонавий тикув машинасини сотиб олиб, хонадонимда тикувчилик қила бошладим, — дейди К. Тошева. — Астойдил меҳнат қилиб, қисқа фурсатда кредитни ёпишга эришдим. Жорий йилда эса ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси асосида 5 млн. сўм субсидия олиб, яна бир замонавий тикув машинасига эга бўлдим. Бу менга ва оила аъзоларимга уйдан чиқмасдан, тикувчилик билан шуғулланиб, яхшигина даромад топиш имконини бермоқда.

Комила ўз уйида қайнопаси билан турли ёшдаги аҳоли учун кийим-кечаклар ҳамда келинларнинг бежирим сарполарини тикишмоқда.

Эътиборлиси, бу кичик тадбиркорлар қўни-қўшни, маҳалладошларнинг буюртмаларидан ортиб, тиккан маҳсулотларини бозорга ҳам чиқаришмоқда.

Ўткир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ олган сурат

■ Ҳамкорлик

Оҳангарон туманининг "Қизилой" маҳалласи ҳудудида Хитой давлати билан ҳамкорликда цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги йирик заводнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.



■ Қилмиш-қидирмиш

Эндигина дунёга келган бола учун доим яхши ниятлар тиланади. Толеи банд, ризқи бут, умри узоқ бўлсин, ҳалол яшасин, тўғри йўлдан юрсин, дея дуога қўл оцулган Бироқ ҳаёт хатолардан холи эмас. Бу умр сўқмоқларида инсонман дегани борки, билибми-билмай адашади, шайтон измига юриб, баъзи хатоларга йўл қўяди.

Ҳали 20 ёшга ҳам қаршиламаган, ҳаётнинг аччиқ-чуқуғи, паст-баланди, ўқир-қўқирини босиб ўтмаган С.С. билиб-билмай ана шундай хатога йўл қўйди. Болаликданок динга бўлган қизиқиши боис, аввал намоз ўқишни, сўнгра дин тарихига оид маълумотларни ўргана бошлади. Турли манбалардан диний мазмундаги материалларни топиб ўқир, интернет тармоғига жойланган, турли марузаларни томоша қилар, араб тилидан саводи бўлмағи туриб,

тажаси эканини таъкидлашди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаевнинг хитойлик ҳамкорларга йўллаган ташаккурнома ва табриги ўқиб эшиттирилди.

Қайд этилганидек, завод қурилишига 2019 йилда асос солиниб,

тажаси эканини таъкидлашди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаевнинг хитойлик ҳамкорларга йўллаган ташаккурнома ва табриги ўқиб эшиттирилди.

Қайд этилганидек, завод қурилишига 2019 йилда асос солиниб,

бунёдкорлик учун 32,2 гектар, маҳсус карьер учун эса 183,3 гектар ер майдони ажратиб берилган эди. Лойиҳанинг умумий қиймати 320 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, маҳсулотнинг 30 фоизи экспортга мўлжалланган. Корхона кунига 6 минг 300 клинкер цемент ишлаб чиқариш қувватига эга. Заводда 300 та доимий янги иш ўрни яратилди.

Маълумот учун, хорижий ҳамкор — Хитой давлатининг "Anhui Conch Group Co Ltd" компанияси ҳисобланиб, унинг бутун дунё бўйлаб 500 дан ортиқ шўъба корхоналари мавжуд.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Оҳангаронда йирик завод фойдаланишга топширилди

Тадбирда сўз олганлар мазкур корхона ўзининг ишлаб чиқариш қуввати билан нафақат вилоят, балки республикамизда ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг ишга туширилиши икки давлат раҳбарларининг ўзаро учрашувларидаги музокараларнинг амалий натижаси эканини таъкидлашди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаевнинг хитойлик ҳамкорларга йўллаган ташаккурнома ва табриги ўқиб эшиттирилди.

Қайд этилганидек, завод қурилишига 2019 йилда асос солиниб,

бунёдкорлик учун 32,2 гектар, маҳсус карьер учун эса 183,3 гектар ер майдони ажратиб берилган эди. Лойиҳанинг умумий қиймати 320 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, маҳсулотнинг 30 фоизи экспортга мўлжалланган. Корхона кунига 6 минг 300 клинкер цемент ишлаб чиқариш қувватига эга. Заводда 300 та доимий янги иш ўрни яратилди.

Маълумот учун, хорижий ҳамкор — Хитой давлатининг "Anhui Conch Group Co Ltd" компанияси ҳисобланиб, унинг бутун дунё бўйлаб 500 дан ортиқ шўъба корхоналари мавжуд.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Ижтимоий тармоқдаги "ҚАРМОҚ"ЛАР

мундаги китоблардан ўқиб-ўрганиш ўрнига, ҳозирда афкор омма олдига чиқволиб, "очиқлик", "демократия", "диний эркинлик" каби тушунчаларни ўзларига қурол қилиб олган, турли ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилаётган айрим ижтимоий тармоқ "чаламулла"ларидан ўрганиб, уларга эргаша бошлади.

Бора-бора, аниқроғи, 2020 йилнинг ёз ойларида у ўзини гўёки "диний тарғиботчи" санаб, Instagram ижтимоий тармоғидан "Ахи-

лар" номли саҳифа очади ва ўша ўзича "тўғри" деб билган, кўр-кўрона эргашган диний материалларни ана шу манзилга жойлаб боради. Афсуски, С.С. бошқаларга улашиб келаётган нашидлар, аудио ва ви-

део материалларнинг аксарияти ақидапарастлик ғояларига йўғрилган, диний экстремизм, терроризм каби ижтимоий иллатлар билан тўйинган маълумотлар эканини парвойига келтирмайди.

2022 йил 24 ноябрь кунини Ўзтепа тумани ИИО ФМБ ТЭҚКБ тезкор ходимлари томонидан олиб борилган тезкор қидирув тадбирлари давомида С.С. фойдаланиб келаётган "Iphone 11" русумли телефон аппарати қўздан кечирилган вақтда чиндан ҳам йўқоридаги ҳолат —

ларининг мазмунини ўзи ҳам тушунмаганини, шунчаки, қулоққа ёқимли туюлгани, бошқаларга ҳам манфаатли бўлар деган маънода жойлаб борганини таъкидлайди. Аммо қонунни билмаслик жазодан халос қила олмаганидек, бу ҳолатда ҳам жазо муқаррар бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Ўзтепа тумани суди судланувчининг ўз айбига тўлиқ иқроор бўлгани, қилмишидан чин қўнгилдан пушаймонлиги, маҳалла-қўй, қўни-қўшни томонидан С.С. ҳақида ижобий

тавсиф берилгани ва оиласининг яқка боқувчиси эканини инобатга олиб, адолатли ҳукм чиқарди. Унга қўра, С.С. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244-моддаси 3-қисми "г" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиқда айбли деб топилиб, унга ушбу мода билан ЖКнинг 57-моддасини қўлланган тарзда иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қўлиб, 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Дарҳақиқат, ақидапарастлик ғоялари нафақат ижтимоий ҳаётимизни издан чиқаради, балки сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларга ҳам зарар бериб, жамиятга оммавий тарзда психологик босим ўтказди. Диний низоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам бунга қаратилган ҳар қандай ҳаракатнинг олдини олиш — давлат ва жамият олдида турган энг муҳим масала.

Эрали НОРБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати" шарҳловчиси

■ Мактаб ярмаркаси

НАРХЛАР
ОДАМЛАРГА МАЪҚУЛМИ?

Шу кунларда вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги бозорлар, йирик савдо мажмуалари, аҳоли гавжум жойларда арзонлаштирилган мактаб ярмаркалари қизғин давом этмоқда.

Мазкур ярмаркалар вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ташаббуси

билан 10 сентябргача ўтказилади.

Ярмаркаларда 26 турдаги зарурий ўқув қуроллари ва мактаб формала-

ри бозор нархидан анча арзон сотилмоқда.

Мактаб ярмаркалари фаолиятини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликларда мутасадди ташкилотлар вакилларида иборат Ишчи гуруҳлар тузилган.


■ Таълим

ВА НИҲОЯТ, МАНДАТ ЧИҚДИ...

Абитуриентлар ўз натижаларини қуйидаги усулларда билишлари мумкин:
1 my.uzbmb.uz/answer саҳифасидан;
2 <https://mandat.uzbmb.uz> сайтидан;
3 Қуйидаги Телеграм ботлардан:
– @e_dtm_mandatbot
– @e_dtm_mandat1bot
– e_dtm_mandat2bot

– @e_dtm_mandat3bot
– @e_dtm_mandat4bot
4 СМС хабарнома хизмати орқали:
5100 рақамида абитуриентнинг ИД рақами юборилганда, мазкур телефон рақамига танлов натижалари бўйича СМС хабарнома юборилади (хизмат ҳақи мавжуд).

Жорий йилдаги янгиликлардан бири:



Umumiy ball: 156.90

Ҳали 11-синфни тугатмасдан (шаҳодатнома олмасдан), мактабнинг 9, 10-синфларида ўқитган ўқувчилар тестга кирса, мандатда натижаси юқоридаги каби чиқаётган экан. Яъни, гарчи уларнинг олган бали етарли бўлса ҳам, лекин талабалikka тавсия этилмаган.

Бунга сабаб сифатида "Мажбурий 11 йиллик таълимни тамомламаган" деган огоҳлантириш чиқмоқда.

Аввал ҳам бир неча марта бу ҳақда ёзгандик. Ҳали мактабни тугатмасдан тестга киришнинг фойдаси йўқ, барибир ўқий олмайди. Қонунчилик бўйича, талаба бўлиш учун, албатта, 11-синф шаҳодатномаси керак.

Ўтган йилларда мана шундай 10-синфлар бировларнинг жойини эгаллаганди ва битта квота қуйиб кетганди. Бу йил шу нарсга чек қўйилди, яхши.

АПЕЛЛЯЦИЯ
АРИЗАЛАРНИ КАБУЛ
ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

Тест синовлари натижасидан норози бўлган абитуриентлар апелляция аризаларини my.uzbmb.uz сайти орқали (абитуриентнинг шахсий кабинетидан) онлайн тарзда юбориши мумкин.

Апелляция аризаларини қабул қилиш 31 августга қадар давом этади.

Абитуриент апелляция шикоятни бериши учун тест синовидан иштирок этган ва тест синовидан четлатилмаган бўлиши лозим.

Апелляция аризасини берган абитуриентга уни қўриб чиқиш санаси ва вақти кўрсатилган хабарнома берилади. Абитуриент айтилган вақтда шахсини тасдиқловчи ҳужжат, хабарнома ва абитуриент рухсатномаси билан Билимни баҳолаш агентлигига келиши керак.

ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШ ШУНЧА
БЎЛУРМУ, ҲАЙ-ҲАЙ...

Яна ўша адолат, аниқроғи Амир Темур номи билан қилинадиган адолатсизлик ҳақида.

Мандат натижалари чиққач, Темурбеклар мактаби битирувчиларига бериладиган қўшимча балл тарзидаги имтиёз нақадар адолатсизлик эканлиги яна бир бор ўз исботини топди.

Масалан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Халқаро муносабатлар йўналишида давлат гранти учун ўтиш бали 205,2 баллни ташкил этган. Натижада ўз кучи билан, ҳеч қандай имтиёзсиз 189 балл олган бир неча абитуриент контрактга кирган. Тасаввур қиляпсизми, улар барча саволларга 100 фоиз тўғри жавоб берган, тўплаш мумкин бўлган максимал баллни тўплашган, қўлидан келадиган ҳамма ишни қилган. Аммо...

Аммо бизнинг "ўта ақлли" масъулларимиз уйлаб топган ўта АДОЛАТСИЗ имтиёз натижасида давлат бюджетидан энг зўр шароитлар билан таъминлаб қўйилган мактабнинг битирувчилари ГАРЧИ ПАСТ БАЛЛ олган бўлса ҳам, ўша максимал балл олганлардан юқорига чиқиб, давлат гранти учун ажратилган барча ўринни банд қилишган.

189 балл билан контрактга кирган абитуриентларнинг 3 нафари қиз болалар экан. Қизларни контрактда ўқитиш бизда нимани англатишни жуда яхши биласизлар. Нега энди улар шунчаки қиз болалиги учун МАКСИМАЛ балл тўпласа ҳам контрактда ўқиши керак? Унинг айби қиз болалигидами?

Тўғри, кимдир ақллилик қилиб айтиши мумкин, 189 балл тўплаганларга Президент гранти берилади ва улар бюджетда қўйди, деб. Аммо бу муаммонинг ечими эмас. Унда 187,9 балл тўплаган қизларчи? Улар мажбурий фандан атиги 1 тагина хато қилган ва энди 4 йил контрактда ўқиши керак. Бечора қизлар, хато қилишга ҳаққи йўқ қизлар...

Авалли эътирозларга ҳам ҳеч ким ҳеч қандай муносабат билдирмаганди, бунисига ҳам шунақа бўлса керак. Бу худди Маркеснинг "Ошқора қотиллик қиссаси"га ўхшайди. Ҳамма адолатсизлиқни қўриб, билиб турибди, аммо ҳамма қўрмаганга олади, биров индамайди.

Xushnudbek.uz

Биласизми?



«МОВИЙ УЙ»

«Рангли» қароргоҳлар ҳақида эшитганмисиз? «Чхонваде» Жанубий Корея президентининг расмий қароргоҳи бўлиб, корейс анъанавий услубида қурилган. Чхонвадега ташриф буюриш Сеулдаги кўплаб экскурсия дастурларида киритилган.

Мовий уй Чосон сулоласи (1392-1897) қироллик боғи ўрнида қурилган. У Сеулнинг Чонногу туманида жойлашган. Бутун мажмуа тахминан 250 минг м² майдонни эгаллайди.

1910 йилда Япония Кореяни аннекция қилганидан сўнг Чосон қироли саройидан Корея генерал-губернатори қароргоҳи сифатида фойдаланила бошланган. 1939 йилда японлар бу ерда расмий қароргоҳ барпо этишган. Кейинчалик Корея япон мустамлакасида озод бўлган давлатнинг биринчи президенти Ли Синг Ман ушбу қароргоҳдан ўз иш жойи сифатида фойдалана бошлаган ва уни «Кёнмуде» деб номлаган. Кейинчалик иккинчи президент Юн Бо Сон «Чхонваде» (1960) номини берган.

"ОҚ УЙ"

АҚШ президентининг расмий резиденцияси Вашингтонда (Колумбия округи) Пенсильвания авеню, 1600 манзилида жойлашган. Неоклассик услубда ирландиялик архитектор Жеймс Хобан томонидан қурилган. Қурилиш ишлари 1792-1800 йилларда давом этган.

Қурилишда оқ рангдаги Акуиа Среек кумтошидан фойдаланилган. Қурилиш ишлари Жорж Вашингтон томонидан бошланган бўлса-да, ушбу тураржойда яшаган биринчи президент Жон Адамс бўлган (1800 йил).

Даставвал қўриб битирилганда "Президент саройи", "Президент қароргоҳи" ёки "Президент уйи" деб номланган. 1811 йилдан жамоатчилик бинони "Оқ палата" деб атай бошлаган. Ҳозирги кундаги расмий номи – "Оқ уй" 1901 йилда Т.Рузвельт томонидан берилган. 1909 йилдан бери президентнинг иш жойи бинонинг чап (ғарбий) қанотидаги Овал кабинетда жойлашган.



Хабарингиз борми?

ЎҚУВЧИЛАРНИ БИТТА КАСБ-ҲУНАРГА
ЎРГАТИШ АМАЛИЁТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Ўзбекистонда 2023-2024-ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида ўқувчиларни битта касб-ҳунарга ўргатиш амалиёти йўлга қўйилади. Бу ҳақда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хабар берди.

Ўқувчиларга ўргатиладиган битта касб-ҳунар тури ва улар амалиёти йўлга қўйиладиган умумий ўрта таълим муассасалари рўйхати шакллантирилди. Бунга кўра, умумий ўрта таълим муассасаларида "Касбий таълим" фани учун ажратилган ўқув соатлари ўқувчиларга ўргатиладиган касб-ҳунар туридан келиб

чиққан ҳолда тақсимланади. Танлаб олинган 208 та мактабда ўқувчилар қизиқишидан келиб чиқиб, қуйидаги 3 йўналишлардан бири бўйича касб-ҳунар ўргатилади:

- ишчи касблар (худуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳусусиятидан келиб чиқиб, тадбиркор ва ҳунармандлар жалб қилинган

ҳолда 64 турда).

- тадбиркорлик (21 турдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича),

- замонавий касблар (10 дан ортиқ ахборот технологиялари ва креатив индустрия йўналиши бўйича)

Маълумот учун, 2023-2024-ўқув йилида 17 минг нафардан ортиқ умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-синф ўқувчилари касб-ҳунарга ўргатилади.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ БОСҚИЧМА-
БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШИ ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН
ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Тошкент тумани, "Абдурахмонов мева узум" агрофирмаси ҳудудида жами 3,19 Га., шундан 2,933 Га. ер майдонида жойлашган 450 дона кўп йиллик дов-дарактлардан иборат "Боғзор", бошланғич баҳоси – 50 687 000 сўм; 2. Тошкент вилояти, Паркент тумани ҳудудидаги "ORAZALI ADILET" фермер хўжалигига тегишли жами 11,022 Га., шундан 9,13 Га. ер майдонида жойлашган 4704 дона кўп йиллик дов-дарактлардан иборат "Боғзор", бошланғич баҳоси – 29 580 933 сўм;

Аукцион савдоси 2023 йил 26 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қўшбеги кўчаси, 14-уйда бўлиб ўтади. Мазкур объектлар шу кунги сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари 2023 йил 31 декабрга қадар соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги қелишувни" имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТЕ Тош-

кент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим. Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабдорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади ҳамда риэлторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қўшбеги кўчаси, 14-уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Қўшимча маълумотларни (55) 517-08-18 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

■ Назорат
Ноқонуний равишда
валюта олиб ўтаётган
фуқаро тўхтатилди

Мамлакатимизда амалдаги тартибларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда доимий яшаш жойига эга бўлган ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга 100 миллион сўм эквивалентига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдорда нақд хорижий валютани йўловчи божхона декларациясида қўрсатган ҳолда эркин олиб чиқиб кетишлари рухсат этилади.

Аммо, фуқаролар томонидан белгиланган тартибдан ортиқ маблағлар олиб чиқиши кузатишмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасидан қўш-

ни давлатга ўтиш учун "Ғиштқўприк" чегара божхона постига пиёда ҳолда "яшил" йўлак орқали кириб келган фуқаронинг қўл юқлари божхона текширувидан ўтказилганида, қўл сумкаси ичидан йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатилмаган ва оғзаки сўровда маълум қилинмаган 48 минг 200 АҚШ доллари миқдоридagi нақд хорижий валютани ноқонуний равишда олиб ўтаётгани аниқланди.

Ҳозирда божхона органоли томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

"Тапентадол"
чекланган
гиёҳвандлик
воситалари
сирасига
киритилди

"Тапентадол" кучли таъсир қилувчи дори воситаси бўлиб, тиббиётда ўртача ва оғир интенсивликдаги ўткир ҳамда сурункали оғриқ синдромида, операциядан сўнг ва оғриқли диагностика жараёнларида қўлланади. Мазкур дори воситасини мунтазам истеъмол қилиш қарамликни шакллантиради.

Уни нотибий мақсадларда суистезъмол қилиш нафас олиш тизимининг бузилиши, бош мия шикастланиши ва руҳий тушунлиқка тушиш, ананеиз ҳолатида талваса синдроми, жигар етишмовчилиги, ўт қопи патологияси ва ўткир панкреатит, қон босимининг тушиш ҳолатларини келтириб чиқаради.

2014 йилда БМТнинг гиёҳвандлик бўйича экспертлар қўмитаси томонидан "Тапентадол" дори воситасининг назоратини қучайтириш бўйича бир қатор тавсиялар берилган. Шунингдек, Россия, Буюк Британия, Кипр, Эстония, Финляндия, Греция, Латвия, Испания ва бошқа давлатларда "Тапентадол" дори воситаси миллий назорат остига олинган рўйхатларга киритилган.

АҚШнинг наркотикларга қарши бошқармаси жадвали "Тапентадол"ни кўпроқ одамни бўшаштириш учун ишлатиладиган кучли опийодлар морфин, оксикодон ва фентанил туркумидаги рўйхатга киритган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 19 августдаги тегишли қарорига мувофиқ, "Тапентадол" дори воситаси Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхатига киритилди.

"Тапентадол" дори воситаси Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестридан рўйхатдан ўтказилмаган. Мазкур дори воситасини қонунга хилоф равишда олиш, сақлаш ва ўтказганлик учун қонунчиликда тегишли жиноий жавобгарлик белгиланган.

ЎЗА

■ Эълонлар

«OLMAZOR KICHIK SANOAT ZONASI»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ
УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
ХАБАРНОМА

Ҳурматли акциядорлар!
«Olmazor kichik sanoat zonası» АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 18 августдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 15 сентябрь куни, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уйда жойлашган Жамиятнинг бош офиси биносидан ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:00 да бошланиб, 10:50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри 2023 йил 11 сентябрь ҳолатига тузилади.

Электрон почта манзили: opiks.mikond@mail.ru.
Кун тартиби:

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

2. Жамият уставининг янги таҳририни тасдиқлаш;

3. Жамият ички корпоратив ҳужжатларининг янги таҳририни тасдиқлаш;

4. Жамият томонидан Корпоратив бошқарув қондаларига риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш;

5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Йиғилишда қатнашиш ва овоз бериш учун акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Йиғилишда қўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уйда жойлашган «Olmazor kichik sanoat zonası» АЖнинг бош офиси биносидан ушбу эълон чоп этилганидан йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Телефон: (71) 248-02-70.

Кузатув кенгаши



Яна бир қизиқ факт: 1996 йил Соҳибқирон Амир Темуруттавлудининг 660 йиллиги муносабати билан зиёратгоҳда катта тадбир ташкил этилди.

Тумонат одам йиғилган, кўллаб хорижлик меҳмонлар ҳам таклиф этилган. Театрлаштирилган томоша бошланди. Узоқдан отга минган "Соҳибқирон Амир Темурут" ва унинг ортидан саф тортиб келаётган аскарлари кўринди...

Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов тадбирдан сўнг хайратланиб сўзлаб берганди:

— Менга Амир Темурут образи топширилган эди. Бир соат бўлсада Соҳибқирон бўлишнинг масъулияти жуда залворли бўларкан. Ундаги салоҳат ва улуғворликни имкон қадар ўзимга синдириб, отда мағрур борарканман, Занги ота зиёратгоҳининг кириш дарвозаси олдида келганимизда отим таққа тўхтаб қолса бўладими? Тумонат одам қараб турибди. Яхши гапирсам ҳам, қамчиласам ҳам тошдек қотиб ту-

раверди. Олдинга бир қадам ҳам босмади. Охири иложсиз импровизация қилишга, отдан тушиб пиёда юришга мажбур бўлдим. Шу воқеадан кейин анчагача ўзимга келолмаганман...

Ривоят қилишларича, Занги отанинг қабрини аниқлаш учун йўл бошлаган оқ туя ҳам айнан шу ерга келганида чўккан ва ер бағирлаб судралиб бориб, Занги ота кўмилган жойга етганида жон берган экан...

Ҳозир ҳам катта мажмуага айланган зиёратгоҳдан сайёҳларнинг қадами узилмайди.

— Зиёратгоҳга кунига 2-3 минг, дам олиш кунлари эса 5-6 мингга яқин одам келади, — дейди мажмуа директори Раҳимиддин Аҳмедов. — Байрамларда одам сифмай кетади. Республикаимизнинг



барча вилоятлари, қўшни Қозғоғистон, Тожикистондан, шунингдек, Туркия, Покистон, Афғонистон, Ҳиндистон давлатларидан ҳам зиёратчилар келишади.

— Анчадан бери Занги ота мақбара-

Сайёҳлар уйун тағриф қозоғи

Зангиота туманидаги йирик маданий мерос объекти "Занги ота" зиёратгоҳи кўп йиллар давомида маҳаллий ва чет эллик сайёҳларни жалб этган табарруқ қадамжодир. Халқимизнинг бу авлиёсифат инсонга ихлоси ҳамиша баланд бўлган. Раҳматли Зумрад бувим шу зиёратгоҳ яқинида яшаганлар. Уларнинг ҳикоя қилишларича, бу ерга жуда кўп жойлардан, хусусан, қўшни давлатлардан ҳам кимдир пиёда, кимдир уловда йиллаб, оилаб, ҳафталаб хавф-хатарга тўла йўллар, чўлу қирлар ошиб, зиёратга келар экан. Занги ота шунчалик улуғ зот бўлганки, зиёратгоҳга яқинлашганда отликлар отдан тушар, ҳаттоки, оёқ кийимларини ечишар экан.

Тарих такрорланган кун

тон, Марказий Осиё, балки бутун Ислом олами учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга табарруқ маскан ҳисобланади. Занги ота ҳақида кўп ўқиганман. Бу киши жуда кўллаб аллома-ларга устозлик қилган. Бугунги кунда мажмуа том маънода обод масканга айланганига гувоҳ бўлдим. Бу ердаги иншоотлар ўзаро уйғунлашиб, яхлит манзара касб этган. Келаси сафаримда оила аъзоларимни ҳам зиёратга олиб келаман.

Дарҳақиқат, мажмуада зиёратчилар учун барча шароитлар яратилган: меҳмонхона, меҳмон уйлари, хунарамандчилик буюмлари ва китоб дўконлари, хизмат кўрсатиш, овқатла-ниш шахобчалари. Бир сўз билан айтганда, зиёратгоҳга келган одам ўзида хотиржамлик сезади, руҳи енгиллашади, қалбини ўзгача таассуротлар эгаллайди.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Umrat MIRZAUQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV



Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@mail.uz

Nashr uchun mas'ul:

Kumush EGAMBERDIYEVA

Navbatchi:

O'tkir HOSHIKOV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 20:30

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-831.

6 077 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6



Нега шундай деймиз

СУНБУЛАНИНГ КЎРАГИ – ГЎСАЛАНИНГ ХЎРАГИ

(Сунбула — қуёш йили ҳисобида олтинчи ойнинг арабча номи бўлиб, 23 август билан 23 сентябрь оралигидаги даврга тўғри келади; гўсала — бузоқ). Бу мақол деҳқонларнинг кўп йиллик тажрибалари, кузатишлари натижасида келиб чиққан. "Сунбула ойида, яъни мuddатидан анча кеч бунёд бўлган гўза кўраги ўзига зарур бўлган ҳароратни ололмайди ва мавсумнинг энг охиригача ҳам пишиб етилмайди, пахтаси очилмайди. У фақат молга ем бўлишгагина ярайди, холос. Шунинг учун ҳосилни эрта муддатларда етилтириш чораларини кўрмоқ керак", дейилмоқчи.

ТАРКИ ОДАТ — АМРИ МАҲОЛ

Амри маҳол — амалга оширилиши гумон, жуда қийин, имкони бўлмаган иш. Бу мақолни кўпинча: "Емон одам ўзининг ярамас, ёқимсиз, беўхшов қилиқларини, одатини ташламайди, ташлай олмайдими ҳам", деган маънода айтадилар.

ТИРНОҚНИ ЭТДАН АЙИРИБ БЎЛМАЙДИ

Астойдил айираман дейилса, тирноқни этдан айириш мумкин, лекин ҳеч ким ўлақолса бундай қилмайди. Чунки, дунёда тирноқни этдан айиргандан ортқ оғриқ бўлмас керак. Мақолда ота-онани болалардан, болаларни ота-онадан, туғишганлар ва яқин қариндош-уруғларни, чин дўсту қадрдонларни бир-бирдан айириб бўлмаслиги, айириш қийинлиги, айрилган тақдирда эса уларнинг қаттиқ изтироб чекишларини мажозий маънода ифодаламоқ учун шундай дейилади.

Ш. ШОМАҚСУДОВ,
"Ҳикматнома"



— Сунбуланинг суви қаймоқдек...
Жалолиддин ЭСОНОВ сурат-лаёҳаси

Мана гап

Сиз Яратганга шунчалик ишонасизки, ҳатто меҳр-муҳаббатсиз, сизни хафа қиладиган одамларга ҳам қалбингизни очясиз. Чунки ўзингизни Яратган қўриқлаётганини биласиз, У томонидан ҳимояланганингизни, қўллаб-қувватланаётганингизни, шакшубҳасиз, сезиб турасиз.

Ҳакан МЕНГЮЧ

Шарафли ўғри

"1960-йиллар Деҳлига ишлагани бордим. Кунлардан бирида автобусдан тушиб, чўнтагимни қарасам, кимдир мени тунаб кетибди. Ушанда чўнтагимда 9 рупия ва конвертда меҳрибон онамга ёзган мактубим бор эди, унда: "Ишдан ҳайдалдим, бу ой одатда юборадиган 50 рупияни юборолмайман..." деб ёзгандим. Хатни кейинроқ қўлимга рупиялар тушса юбораман, деган умидда уч кундан бери чўнтагимга солиб юргандим. Мендан ўғирланган 9 рупия арзимас пул бўлганига қарамай,

ишдан қувилган, пули ўғирланган одамга 9000 рупияга тенг эди.

Бир неча кундан кейин онамдан хат келди. Мен ҳар доим юборадиган пулни сўраб ёзган бўлсалар керак, дея қалбимга хавотир оралади. Лекин хатни ўқиб хайратга тушдим. Унда онам менга раҳматлар ва ҳаққимга дуолар қилиб шундай дебди:

"Менга юборган 50 рупиянг етиб келди. Болажоним, сен жуда ажайиб инсонсан-да, ишингдан ҳайдашларига қарамай маблағни ҳечам кечиктирмай вақтида юбо-

рибсан. Сенга омад ва кенг रिқ сўраб ҳаққингга дуо қиламан..."

Онамга бу маблағни ким юбордикин, деб бир неча кун хайратда юрдим. Кунлар ўтиб, қўлимга хуноқ дастхат билан ёзилган яна бир мактуб келиб тушди. Унда мактуб эгаси шундай ёзарди:

"Манзилингни конвертингдан олдим. 9 рупиянгга олдин жамғариб қўйган 41 рупиямни қўшиб онангга, хатингдagi манзилга юбордим.

Кўзгудаги ўзимиз



Кеча телефоним жиринглади, нотаниш рақам, шундай бўлса ҳам яшил тугмачани босдим. Нариги томондан:

— Здравствуйте, — деган овоз эшитилди. (Сўхбатдошимнинг кейинги гапларини ўзбекчада ёзаман).

— Ассалому алайкум!

— Абдуллаев билан гаплашсам бўладими?

— Эшитаман.

— Яхшимисиз? Сизга бир масалада телефон қилаётгандим.

— Қулоғим сизда.

— Битта хат масаласида.

— Хўп, эшитаман.

— Мумкин бўлса, рус тилида гаплаша олмасизми?

— Йўқ, сиз ўзбекча гаплашинг.

— Рус тилини билмасизми?

— Менку рус тилини биламан, сиз ўзбек тилини билмасизми?

— Афсуски, билмайман.

— Кечирасиз, неча йилдан бери Ўзбекистонда яшасиз?

— Ана бўлди.

— Қанча?

— 51 йил.

— 51 йилдан бери ўзбек тилини ўрганмадингизми?

— Кўнт қилмадим. Демак, русча гапирмайсиз.

— Йўқ.

— Унда сиз билан гаплаша олмас эканмиз.

— Сиз кимга қўнғироқ қилаётганингизни биласизми?

— Абдуллаевга.

— Унинг кимлигини биласизми?

— Йўқ.

— Вазирнинг давлат тили масалалари бўйича маспахатчиси.

— Мана энди билиб олдим. Ердам берасизми?

— Афсуски, йўқ. Сиз раҳбарингизга мендан салом айтинг, мени жуда яхши танийди.

— Хўп бўлади.

— Хайр.

— Хайр...

Шу билан сўхбат узилди. 51 йил бир мамлакатда яшаб, унинг давлат тилини ўрганмаслик мумкин экан...

Бағрикенгликнинг бундан ортқ намунаси бўладими?

Нурилло АБДУЛЛАЕВ

Ажаб савдолар



Очиғини айтсам, онам ва онанг ҳақида уйладим. Онанг оч-наҳор қолиб, сени ва онангни гуноҳига қолмайн, дедим. Сенга саломларим бўлсин. Мен сени автобусда тунаб кетган ўғриман...

Покистонлик шоир ва ёзувчи Мирзо АДИБ хотираларидан